

ТАҚСИТ САВДОСИДА ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ШАРТЛАР

Қосим Абдулло Мирабзал ўғли

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази етакчи мутахассиси
abdulloh_qosim@inbox.ru
Тел: +998 99 818 39 71*

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий савдо турларидан бири бўлган тақсит савдоси, ундаги шартлар ҳамда бу борадаги ҳамаср уламолар, тадиққотчиларнинг қарашлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: насия савдо, ислом ҳуқуқшунослиги, тақсит савдоси, савдо битимлари, савдо шартлари, ислом фикҳи академияси.

Тақсит савдоси билан шуғулланувчи тижоратчи эътибор қаратиши керак бўлган муҳим жиҳатлардан бири шуки, тақсит пайтида сотувчи ва харидорга тааллуқли бўлган шартлар бўлади. Агар бу шартлар топилмаса, тақсит битими дуруст бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу борада керакли маълумотларни билиб олишим зарур. Қуйида сотувчи ва харидорга тегишли шартларни келтириб ўтилади:

1-шарт. Сотилаётган маҳсулот сотувчининг мулкида бўлиши керак.

Бу шарт фақатгина тақсит савдосига эмас, балки барча савдоларга тегишли. Одатда бугунги кунда кўпчилик тижоратчилар бунга бепарво бўлиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Хусусан, тақсит савдоси кўпчилик бозордан товарни сотиб олиб, мулкига ўтказмасдан туриб харидорга топширади. Бундай савдо қилиш мумкин эмас. Агар сотувчи молни ўз мулкига олса, мулк уни зиммасига ўтади. Сотиб олиб, уни қабз қилса, сўнг харидорга хоҳлаган зиёдасини қўшиб сотиши мумкин. Хоҳласа нақдга сотади, хоҳласа насияга – бу унинг ихтиёри. Бу шаръий савдо ҳисобланади. Масалан, бир киши: “Менга фалон сифатдаги фалон машина, ёки бунақа васфдаги ер керак”, деса, бошқа бир киши у истагандек нарсани сотиб олиб, қабз қилгандан кейин унга сотса бўлади. Агар иккинчи киши ўз мулкига

олмасдан туриб сотмоқчи бўлса, бу жоиз эмас. Агар мулкига қўшадиган бўлса, ана шу нарсани харидорга ёки бошқа кишига сотса ҳам, савдо дуруст бўлади.¹

Сотувчи ўзи молик бўлмаган нарсани сотса, қуйидаги жоиз бўлмаган ишларга қўл уриб қўяди:

1. Сотувчи ўзи молик бўлмаган нарсани сотиб, фойда олаётганда зомин бўлмаган нарсасини сотаётган бўлади. Ваҳоланки, Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам зоминлигида бўлмаган нарсани сотишдан қайтарганлар.

2. Сотувчи ваъдалашган молини бозорда гоҳида ўзи хоҳлаган нархда топади, гоҳида қимматроқ нархга топади, ёки умуман топа олмайди.

Шунининг учун ўртада низо чиқиши мумкин.

3. Сотувчи мулкида бўлмаган нарсани сотаётганда, кўпинча харидор молни сотувчида бор, деб ўйлайди. Агар харидор молни сотувчи бозордан олиб келиб беришини билса, ундан олмай қўяди ҳамда ўзи истаган жойдан бориб сотиб олади.

Шу эътибордан ҳам нафақат тақсит савдосида, балки барча савдоларда ҳам сотувчи мулкига ўтмаган товарни сотиши мумкин эмаслиги келиб чиқади.

2-шарт. Сотувчи сотаётган молини қабз қилган бўлиши керак.

Бир киши молни нақдга ёки муажжалга сотиб олиб, қабз қилишдан олдин бошқа кишига сотиб юборишлиги жоиз эмас. Мулкига киритмасдан олдин сотиб олган жойида қолдириши қабзликка кифоя қилмайди. Тақсит билан шуғилланувчи кўп тижоратчилар улардан сўралган молни сотиб оладилар-да, қабз қилмасдан олдин тақсит эвазига сотиб юборадилар. Харидор эса, аввалги эгасидан қабз қилиб олади. Бу мутлақо ножоиздир. Бундай савдолар билан шуғулланаётган тижоратчилар бу жиҳатларга эътибор бериб, ўрганиб олишлари керак бўлади. Чунки гўёки арзимаган нарсасидек туюлишига қарамасдан, биргина қабз қилинмасликнинг ўзи ҳалол

¹ Аднон Муҳаммад Салим Саъдуддин. Байъут тақсит ва татбиқотухул муосира фил фикҳил исломий. Сурия. [Дамашк унверситети.](http://www.tadqiqotlar.uz) – Б. 97.
www.tadqiqotlar.uz

савдони ҳаромга айлангириб қўяди. Шунинг учун ҳам қабз нима эканлигини ва у қандай амалга оширилишини билиб олишимиз лозим.

Қабз қилишнинг таърифи.

Қабз луғатда “бирор бир нарсани ушлаш” деган маънони англатади. Бир киши бирор нарсага эга бўлса, гарчи уни кафт билан ушламаган бўлса ҳам “уйни қабз қилдим” деб истиора йўлига кўра ишлатади.

Мисол учун *هذا الشيء في قبضتك* дейилса, “Бу нарса сенинг мулкинда, тасарруфингда”, деган маънони билдиради.²

Истилоҳда бирор бир нарсани ўзининг тасарруфига ўтказишга ишлатилади. Хоҳ уни қўл билан ушлаш мумкин бўлсин, хоҳ мумкин бўлмасин, тасарруфга ўтса бўлди.³

Алоуддин Косоний раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Қабз – урфан, одатан ва ҳақийқатан ҳам маҳкамлаш, ўзига холи қилиб олиш ва ундан ман қилувчи нарсаларни олиб ташлашдир”.⁴

Изз ибн Абдус Салом раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Инсонлар: “Ерни, ҳовлини, қулни, қабз қилдим”, дейиш билан, ундан фойдаланишини ва тасарруфини ўзига олишни ирода қилган бўлишади”.⁵

Бундан келиб чиқадики, сотиб олинган молни сотувчидан қабз қилмасдан илгари сотиш мумкин эмас. Акс ҳолда, ҳадисларда келган наҳий ўрнига тушиб қолинади.

3-шарт. Тақсит савдоси рибога сабаб бўлмаслиги керак.

Тақсит байида икки томон ҳам рибодан сақланиши унга тушиб қолмаслиги даркор. Бунга қуйидаги кўринишни мисол қилиб келтиришимиз мумкин: Тақсит савдоси билан бир киши машина сотиб олди. Ҳар ойда маълум миқдорда пул тўлашга келишишди. Лекин бир ойда харидор пул топа олмай, қарзини вақтида тўлай олмади. Шунда сотувчи харидорга қарзини вақтида тўлай олмагани учун пулда яна зиёдалик қилса, бу рибонинг айни ўзи бўлади. Шунинг учун ҳам тақсит савдоси рибога сабаб бўлиб

² Жавҳарий. Сихоҳ. Ж. 2. Мактабатуш шомила. Луғатул аърабия бўлими. – Б. 59. “Қабз” сўзи.

³ Ибн Жазий. Ал-қованинул фикҳийя. – Б. 328.

⁴ Алоуддин Косоний. Бадоеус саноеъ. Ж. 5. Ливан. Байрут. Дорул кутубил арабий. – Б. 148.

⁵ Изз ибн Абдуссалом. Ал-Ишора илал ийжоз. – Б. 106.

қолмаслиги керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Саййид Муртазо Зубайдий. Тожул урус. Ж. 20. Таҳқиқ: Абдилкарим Избоний. Қувайт. 1983.
2. Аҳмад ибн Муҳаммад Фуюмий. Ал-Мисбоҳул мунир. Ж. 2. Қоҳира. Матбаъатул амирийя. 1922.
3. Аллома Ибн Манзур. Лисонул араб. Ж. 39. Қоҳира. Дорул маъориф. 1989.
4. Доктор Рафиқ Мисрий. Байъут тақсит таҳлил фикҳий ва иқтисодий. Дамашқ. Даруш Шомийя. 1997.
5. Имом Шофейй. Китобул умм. Ж. 3. Байрут. Кутубул илмийя. 2009.
6. Муҳаммад Тақий Усманий. Бухус фи қозоё фикҳийя муосиро. Дамашқ. Дорул қалам. 2009.
7. Имом Сарахсий. Мабсут. Ж. 8, 13. Байрут. Ливан. Дорул маъориф. 1989.
8. Ислом фикҳи академиясининг 6-йиғилиши кодекси. 1/447.
9. Абдурраззоқ Раҳим Жиддий Ҳайтий. Ал-Масорифул исломийя байнан назарийя ват татбиқ.